



## ЁШЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

---

*Кўйбоқова Мехринисо Зокиржонқизи*

*Мактаб менеждменти йўналиши 2-курс талабаси, ЖДПУ*

*Назаров Тошпўлат Бошбек ўгли*

*Мактаб менеждменти кафедраси ўқитувчиси, ЖДПУ*

**Аннотация:** Маколада сўнгги йилларда Республикамиз доирасида, ёшлар орасида йирик муаммо сифатида юзага келаётган бандликни таъминлаш ва ишсизликни олдини олиш муаммоси асос қилиб олинган ва ечим ёки таклиф сифатида бир қанча манба ва асосларга таянган ҳолда шахсий фикр ва мулоҳазалар баён этилган.

**Калит сўзлар:** ишга жойлаштириш, ёшлар бандлиги, миллий стратегия, бандликни таъминлаш, БМТ бош Ассамблеяси, резолюция, It саводхонлиги.

Ишга жойлаштириш, ёшлар бандлиги – бу давлат сиёсати даражасидаги, муҳим аҳамиятига молик масала, чунки айнан ёшлар мамлакат кадрлар салоҳиятини, меҳнат ресурсларидан унумли ва мақсадли фойдаланишни ташкил қилади. Ёшлар бандлигини таъминлаш давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг долзарб ва узоқ муддатли, шунингдек стратегик долзарб вазифаси ҳисобланади.

Бугунги кунда инсон салоҳиятининг рақобатбардошлигини ошириш кўп жиҳатдан ёшлар меҳнатидан фойдаланиш соҳасидаги миллий стратегияга боғлиқдир. Меҳнат бозоридаги ёшлар аҳволини баҳолаш зарурати ёшлар – бу мамлакат келажаги эканлиги ва бутун жамиятнинг истиқболдаги ривожланиши улар фаолиятининг бошланғич шароитларига боғлиқлиги билан белгиланади. Бугунги ёшлар кўп жиҳатдан жамиятдаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жараёнларга таъсир кўрсатади. Шу билан бир қаторда, ёшлар ишга жойлашишда катта қийинчиликларга учраётган ижтимоий ночор тоифалардан бири ҳисобланади[1].

Бош қомусимиз ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг IX-БОБ. “Иқтисодий, ижтимоий, маданий ва экологик ҳуқуқлар”, 43-моддасида “Давлат фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, уларни ишсизликдан ҳимоя қилиш, шунингдек камбағалликни қисқартириш



чораларини кўради. Давлат фуқароларнинг касбий тайёргарлигини ва қайта тайёрланишини ташкил этади ҳамда рағбатлантиради.” – белгилаб қўйилди[2].

Бундан кўриниб турибдики, Ёшлар ижтимоий-демографик гуруҳ сифатида ўз мезонларига эга. Бу мезонларга ижтимоий етуклик ва ҳаёт жараёнидаги фаолиятнинг ўзгариши киради. Маълумки ёшлик болалик ва етуклик ўртасида ётувчи маълум бир ижтимоийлашув босқичидир. Ижтимоий етуклик – мураккаб жараёндир. Бу етуклик даврида инсон билим олади, касб танлайди ва маълум мутахассисликни эгаллаб ҳаётда ўз ўрнини топади.

Шу мақсадда давлат фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, уларни ишсизликдан ҳимоя қилиш, шунингдек камбағалликни қисқартириш масалалари бош қомусимиз билан мустақамлаб қўйилганлиги, ёшлар бандлиги доимий эътиборимиздаги йўналишлигидан далолатдир.

Шунингдек, XIV-БОБ. “Оила, болалар ва ёшлар”, 79-моддасида “Давлат ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлайди, уларнинг жамият ва давлат ҳаётида фаол иштирок этишини рағбатлантиради. Давлат ёшларнинг интеллектуал, ижодий, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан шаклланиши ҳамда ривожланиши учун, уларнинг таълим олишга, соғлиғини сақлашга, уй-жойга, ишга жойлашишга, бандлик ва дам олишга бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратади.” – бўйича алоҳида норма киритилди[3].

Бу борада, XX аср сўнгги чорагига келиб, кўплаб ривожланган давлатларда ёшларга доир сиёсат мустақил фаолият йўналишига айланди, унга доир умуминсоний тенденциялар ва устуворликларни белгилайдиган халқаро ҳужжатлар қабул қилина бошлади.

Хусусан, 1985 йилда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган “Самарали ёшлар сиёсатини шакллантиришнинг асосий қоидалари тўғрисида”ги резолюция ана шу жараённинг яққол мисолидир. Жаҳон мамлакатларининг миллий манфаатлари ва тараққиёт тамойилларига мос ёшлар сиёсатини амалга ошириш учун зарур бўлган ва энг умумий халқаро меъёрлар белгилаб берилган ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши, бир томондан унинг миллий даражада қўлланилиши учун асос яратди, иккинчидан эса, мазкур жараённинг умуминсоний цивилизация тараққиёти учун ниҳоятда муҳимлигини яна бир бор намоён қилди, дейиш мумкин[4].



Ушбу хулосага асосланиб ва ўша давр талабларидан келиб чиқиб, юртимизда ёшлар муаммосига алоҳида аҳамият қаратилди, уларнинг манфаат ва эҳтиёжларини таъминлаш учункенг имкониятлар яратишга киришилди.

Бир сўз билан айтганда Ёшлар бандлиги самарадорлигини ошириш учун иқтисодий рағбатлардан, жумладан, ёшларни ишга жойлаштириш ва қабул қилиш, уларни касбга ўқитиш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича хизматларини тақдим қилишдан корхоналарнинг манфаатдорлигини оширадиган солиқ имтиёзларидан ҳам фойдаланиш, ёшларни ишга қабул қилиш учун квоталар ўрнатиб қўйиш лозим. Бошқача айтганда, бир неча йиллар ўтгандан кейин иқтисодиёт инновацион тараққиёт йўлига ўтаётган ривожланган мамлакатлардан ортда қолмаслиги мумкин.

Ёшларга касб-хунарўргатиш ҳамда бандлигини таъмирлаш йўналишида Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида” Қонуни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон, қарорлари ҳукумат қарор ва фармойишлари, шунингдек ҳоғирги кунда қабул қилинган ва қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бевосита Бош қомусимизда белгиланган устувор вазифа асосида амалга оширилмоқда [5].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сонли Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон — 2030” Стратегиянинг 1.4.-“Ёшларга оид давлат сиёсати ва спорт йўналишларидаги ислохотлар” йўналишида аниқ мақсадли кўрсаткичлар белгилаб берилган [6]. Жумладан:

- Ёшларни замонавий касблар ва чет тилларига ўқитиш тизимини яратиш борасида Ёшларнинг замонавий касблар билан машғул бўлишини таъминлаш учун ҳар бир вилоятда **1 тадан «Креатив парк»лар** фаолиятини ташкил этиш, уларга йилига **камида 40 минг нафар ёшларни** жалб қилиш. Мактаб битирувчилари камида **2 та хорижий тил** ва **1 та касбэгаллашини** таъминлаш;

- Ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, уларнинг илмий фаолиятини рағбатлантириш борасида Илмий ва инновацион фаолият, интеллектуал ўйинлар ҳамда чет тилларини ўрганишга жалб этиш орқали камида **2 миллион** нафар ёшларнинг иқтидорини ривожлантириш. Ҳар йили **500 нафар** истеъдодли ёшларни хорижнинг нуфузли олийгоҳларига ўқишга юбориш.

- Ёшларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва ишсизлик даражасини камайтириш борасида **400 минг** нафар ёшларнинг бандлигини таъминлаш ва



муаммоларини ҳал этишга эришиш. Ёшларнинг ишсизлик даражасини **14 фоиздан 11 фоизга** камайтириш;

- Ёшлар ўртасида ИТ соҳасини янада оммалаштириш ҳамда соҳада хизматлар экспортини ошириш борасида ИТ соҳасида **300 минг** нафар ёшларни иш билан таъминлаш. Мактаб ўқувчиларини **халқаро ИТ бозорида** талаб юқори бўлган **замонавий касбларга** ўргатиш. «**Бир миллион дастурчи**» лойиҳасини кенгайтириш ва ҳар йили **15 минг нафар** энг иқтидорли ёшларни **нуфузли халқаро компаниялар талабларига мос дастурлар** асосида тайёрлаш.

Бир сўз билан айтганда, Ёшларни замонавий касб-ҳунарга ўқитиш, бандлигини таъминлаш йўналишида тизимли ва манзилли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Мазкур ислоҳотларни рўёбга чиқириш, жамиятда ҳеч бир ёш эътибордан четда қолмаслигини таъминлаш борасида давлат сиёсатининг маҳаллабай ишлаш тизими даражасида ёндошилаётганлиги, “маҳалла еттилиги” тизимининг йўлга қўйилганлиги асосий ричак вазифасини бажармоқда.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Мирзакаримова М, Раҳимова У., Таълим хизматлари бозори ва меҳнат бозорини мувофиқлаштириш ёшлар бандлиги омили сифатида., “Иқтисодий ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 1, январь-февраль, 2017 йил.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 43-моддаси.

3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 79-моддаси.

4. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган “Самарали ёшлар сиёсатини шакллантиришнинг асосий қоидалари тўғрисида”ги резолюцияси, 1985 йил.

5. Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида” Қонуни, 2016 йил 14 сентябрь, ЎРҚ-406-сон.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон — 2030” Стратегияси тўғрисида” ПФ-158-сон Фармони.